



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 63 (11.624)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДА БАНД БЎЛГАН АЁЛ СПОРТ УСТОЗЛАРИ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик кенгашининг 2010 йил 11 мартдаги қарорига мувофиқ ҳамда қизларни, айниқса қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, болалар спорт объектларида болалар ва ўқувчи ёшлар билан ишлаш учун аёллар орасидан юқори малакали, профессионал тайёрланган устоз кадрларни кенг жалб этиш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2010 йил 1 апрелдан бошлаб қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда спорт устози бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда 15 фоиз миқдорда устама ҳақ белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамда спорт устозлари бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда қўшиб бериладиган устама ҳақ белгиланиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг «Таълим» бўлими бўйича тасдиқланган харажатлар доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва уларнинг ҳудудий органлари бир ой муддатда қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг штат жадваллари ҳамда харажатлар сметаларини мазкур қарор талаблари билан мувофиқ ҳолга келтирилишини таъминласинлар.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимова ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 1 апрель

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИ ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯСИНING ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТАДИ

2010 йилнинг 5-6 апрель кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади.

Мазкур йиғилишда иштирок этиш учун Ўзбекистонга Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Инвестициялар бўйича бош агентлиги раҳбари Амр ал-Даббағ бошчилигидаги делегация ташриф буюриши кутилмоқда. Делегация таркибидан ушбу мамлакатдаги турли вазирлик ва идоралар ҳамда йирик компанияларнинг 70 дан зиёд вакиллари жой олган.

Жорий йиғилиш давомида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари, хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, Ўзбекистон — Саудия Арабистони ишбилармонлари кенгашини ташкил этиш, шунинг-

дек, маданият ва спорт соҳаларида ташрифлар алмашувини фаоллаштириш ҳамда сармоявий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилади.

Йиғилиш якунига кўра Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукуматлари ўртасида Инвестицияларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши режалаштирилган.

Шунингдек, ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг жорий йиғилишини ўтказиш мобайнида Ўзбекистон — Саудия Арабистони биз-

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Ташаббус — 2010» ғолиблари

КАМОЛИДДИННИНГ КАМОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2010» кўрик-танловининг якуний республика босқичида шахримиз шарафини ҳимоя қилган хунарманд уста, ёғоч ўймаkori Камолiddин Раҳимовга омад кулиб боқди.

Камолiddин кўрик-танловнинг «Энг яхши хунарманд» йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритиб, Президент соврини — «Матиз» автомобили билан тақдирланди. Албатта, бу хушxabар унинг устозлари, ҳамкасblари ҳамда бутун пойтахтмиз хунарманд усталарини мамнун этди. Мазкур муваффақият, улкан ютуқ, шубҳасиз, ёш, иқтидорли, маҳоратли хунарманднинг тинимсиз изланишлари, аждодларимиз бой меросига меҳр-муҳаббати, ўз хунарига са-

доқати самарасидир.

— Кўп йиллардан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловида иштирок этиш ва шунинг баробарида ғолиблар қаторидан ўрин олиш мен учун жуда катта бахт, — дейди Камолiddин Раҳимов. — Бу борада устозларимнинг хизматларини алоҳида таъкидлашим лозимки, уларнинг ўғит ва маслаҳатини тинимсиз изланишлари, амад қилиб, шу даражага эришдим. Мустақил мамлакатимиз-

да тадбиркорлик ривожини йўлидаги қўллаб-қувватлашлар, хунармандларга берилган имтиёзлар мени бениҳоя руҳлантиради, янада жозибали, бетакрор маҳсулотлар яратишга, миллий хунармандчилигимиз довуғини жаҳонга ёйишга ундайди. Ёшларнинг билим олиб, хунар эгаллашлари, баркамол авлод сифатида вояга етишишлари учун қилинаётган ғамхўрлик эса куч-ғайрат бахш этади.

(Давоми 2-бетда.)

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ЁШЛАР УСТОЗИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни, жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш ва иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан маълум қилишларича, 2009 йили маҳаллий ҳокимликлар ҳамда 42 миңдан ортиқ корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган 1236 бўш иш ўринлари ярмаркасига жалб этилган фуқароларнинг қарийб 182 миң нафари доимий иш билан таъминланган. Уларнинг 21 миңдан ортиги армия хизматини ўтаган ёшлардир.

Собиқ аскарларнинг кўпчилиги ҳарбий ва бошқа мутахассисликлар бўйича корхона ва ташкилотларда, тадбиркорлик соҳасида, деҳқон ва фермер хўжаликлари, давлат муассасаларидаги аввалги иш жойларида меҳнат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарлариди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳри ва вилоятдаги қасаба уюшмаси кўмитаси фаоллари учун сайёр йиғилиш ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Оқибат» ва «Уста Ширин» маҳаллалари фаоллари, кам таъминланган оилалар аъзолари, ёшлар иштирокида Наврўзи оламга бағишланган тадбир ўтказилди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** ўқувчилар саройида тўғрақлар аъзолари, устоз мураббийлар иштирокида ўтказилган тадбир «Менинг келажакдаги орзуим» деб номланди.

✓ **ЧИЛОНЗОР** туманида тиббиёт ҳамширалари ўртасида ташкиллаштирилган «Ҳамшира — 2010» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Гулистон шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармалари ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида «Биз бир жамоамиз!» шиори остида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган ёшлар анжумани ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

• Наманган муҳандислик-педагогика институтида «Биз бир замон ва бир замин фарзандларимиз» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Республика Байналмилал маданият маркази, Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда вилоятдаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, касб-хунар таълими муассасалари, миллий маданият марказлари раҳбарлари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

• Бухорода «Камолот» ЁИХ томонидан ташкил этилган «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида фермер аёлларнинг ўқув-семинари ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда «Ташаббускор аёл» маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Тахтақўпир, Қораўзақ, Чимбой ва Кегейли туманларидан ташриф буюрган фермер аёллар иштирок этди.

• Термиз шаҳрида Сурхондарё вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, фуқаролик ишлари бўйича суди ташаббуси билан «Оила—муқаддас қирғон» мавзусида оила манфаатларини ҳимоя қилишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Наврўз байрами кунлари «Маҳалла» жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими хайрли ишга қўл урди. Ҳомийлардан тушган 42 миллион сўмлик маблағ эвазига 40 та кам таъминланган оиланинг ногирон фарзандларига компьютер жамланмалари совға қилинди.

• Вобкент тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли тез тиббий ёрдам бўлими жамоаси Наврўз байрами арафасида бир гуруҳ фермерларнинг хомийлик ёрдами асосида реконструкция қилинган кўркам бинода иш бошлади.

• Давлат солиқ кўмитаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан ташкил этилган «Солиқ билимлари — болаларга» республика кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• Шу кунларда Рометан туманининг Ҳалвогарон қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида 25 та янги турар жойлар бунёд этилмоқда. Смета қиймати 1 миллиард 460 миллион сўмлик ушбу йиларни «Зиннат-Зафар-Жаъфар» МЧЖ бунёдкорлари мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

ЖАҲОНДА

• Гаити масаласи бўйича 138 давлат ва турли нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилган конференция якунида халқро ҳамжамяти томонидан зилзиладан улкан зарар кўрган ушбу мамлакатга ўн миллиард АҚШ доллари миқдориде молиявий ёрдам кўрсатишга қарор қилинди.

• Владимир Цуркан бошчилигидаги беш нафар мустақил депутатлардан иборат гуруҳнинг ўз фракцияларини рўйхатдан ўтказиш мақсадида Молдавия парламенти регламентига ўзгариш киритиш хусусидаги талаби қонунчилик органи ишини номаълум муддатга тўхтатиб қўйди.

• Европанинг бир қатор мамлакатларида об-ҳавонинг кескин совиб кетиши кўплаб ноқулайликларни юзага келтирди. Жумладан, кучли қор ёғиши ва юқори тезликда эсган шамол туфайли Буюк Британияда қарийб 70 миңг, Шимолий Ирландияда 50 миңгга яқин, Шотландияда эса 100 миңг хонадон электр таъминоти-дан узулиб қолди.

• Афғонистон жанубида содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида ҳалок бўлганлар сони 13 нафарга етди. Бундан ташқари 45 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Террорчилик ҳаракати учун жавобгарликни ҳеч қандай ташкилот зиммасига олгани йўқ.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифаси кун тартибига кўйилди. Ўтган вақт мобайнида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан келиб чиққан ҳолда, умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим учун давлат стандартлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Мазкур тизимнинг мантиқий давомийлиги таъминланишида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёни алоҳида ўрин тутди ва бу борада ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури тўғрисидаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қарорига асосан халқ таълимида ҳам умумий таълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш, ўқувчиларни қайта тайёрлаш борасида тизим яратилган.

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан ушбу меъёрий ҳужжатлар ижросининг таъминлигини баробарида давлатимиз раҳбарининг асарлари ва маърузалари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, ҳукумат қарор ва фармойишлари мазмун-моҳиятини тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда тушунириб бориш ишлари мунтазам равишда ташкил этиб келинмоқда.

Глобаллашув жараёнлари кузатилаётган бугунги кунда айниқса ўсиб келаётган авлоднинг онги ва қалбини турли зарарли фоя ва мафқуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Республикаимиз таълим муассасаларида катта қизиқиш билан ўрганилаётган Президентимизнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида мустақил кадрият бўлган маънавиятнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, унинг назария ва амалий қирралари ҳар томонлама кенг қамровли фикр ва

хулосалар орқали таҳлил этилган. Мазкур асарнинг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга етказиш йўллари ўқитувчиларга тушунириш мақсадида Миллий фоя ва мафқура илмий-амалий маркази масъул ходими А.Акмалов иштирокида инсти-

демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш стратегик вазифа қилиб белгиланганлиги, бу борада «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концепцияси амалий ҳаракат дастури бўлиб ҳизмат қилаётганлиги ҳақида мазмунли ахборотлар

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

тутда ташкил этилган давра суҳбати муҳим аҳамият касб этди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда биз, педагоглардан талаб қилинадиган асосий вазифа – аввало, етарли ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлиш ва таълим олувчиларни тўғри, ҳолис ахборот билан таъминлаш, Ватанга дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга эришишдир.

Институт профессор-ўқитувчилари тингловчиларга Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсади миздир» мавзусидаги маъруза моҳиятига назар ташлаб, Ўзбекистонда мустақил давлатчилик қўлга киритилганидан сўнг ҳақон цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланган ва ўзимизга хос хусусиятларни албатта ҳисобга олган ҳолда, одил,

улашиб келаётирлар.

Маърузада таъкидланганидек, бугунги кунда фуқароларимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий маданияти тобора ўсиб бораётгани, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларининг чуқурлаштирилиши йўлида доимий фаол бўлиб бораётганини кузатиш мумкин. Бу жараёнларда, ишонч билан айтиш мумкин, педагогларнинг ҳам ҳар томонлама иштироки ва роли каттадир. Зеро, «Юртбошимиз айтиб ўтганидек, юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек маъсул вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келаётган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг ҳизмати нақадар бекиёс эканини яхши тасаввур қиламиз. Мактаб аталмиш улуг даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсири, нафақат ёшларимиз, балки

бун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайди.

Бугунги кунда институт мутахассисларининг олдида турган асосий вазифаси республикамизда амалга оширилган ва жорий йил учун белгиланган устувор вазифалар қўлами билан ўқитувчиларни яқиндан таништириш ва улар орқали ёшларимизнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан боҳабар бўлишига эришишдан иборат. Шу мақсадда Халқ таълими вазирлигининг кўрсатмасига асосан Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсади миздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларининг мазмун-моҳиятини таҳсил олаётган барча тоифадаги курс тингловчилари янада чуқурроқ ўрганиши учун ижтимоий фанлар туркумига кирувчи ўқув курсларига ўзгартиришлар киритилди.

Баркамол авлод йилида кўпгаб соҳа вакиллари қатори биз, педагоглар олдида ҳам катта маъсулият юкланган. Бунда аввало бугунги кун талабларига жавоб берадиган замонавий билимларга эга бўлиш, замонавий технологиялар ва ахборот олиш тизимидан унумли фойдалана билиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, маънавий кадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб боришимиз, ўзлигимизни чуқурроқ англашимиз, миллий ғоя тамойилларини ёшларимиз қалби ва онгига сингдиришда фаол бўлмоғимиз лозим.

Дилшод КЕНЖАЕВ,
Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти кафедра мудири, тарих фанлари номзоди,
Дурбек ВОҲИДОВ,
институт катта ўқитувчиси

ЁШЛАР УСТОЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

2009 йили Қуролли Кучлар захирасига бўшатишган 4600 нафар йигит мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари сафига кўшилди. Минг нафарга яқини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишга кириш учун ҳужжат топширган.

Бу йил Тошкент шаҳрида 800 нафардан ортиқ йигит мuddатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб қайтди. Айни кунгача уларнинг 174 нафари доимий иш жойига эга бўлди. Ўтказилган суҳбатларда собиқ аскарларнинг 235 нафари олий таълим муассасаларига, 52 нафари аса ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ҳужжат топшириш, 15 нафари яқка тартибдаги тadbиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирди.

– Мuddатли ҳарбий хизматдан қайтган ҳар бир ёшнинг қизиқиши, эгалланган касб-ҳунари ва интилиши ўрганилмоқда, — дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош қармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Мирхоннов. — Қвоталанган бўш иш ўринлари билан таништирилаётган собиқ аскарларга йўл-йўриқ кўрсатилиб, меҳнат қонунчилиги бўйича маслаҳатлар берилмоқда.

Ўз йигитлик бурчини муваффақиятли ўтаб қайтган Исомбек Қамбарбеков Шайхонтоҳур тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази кўмағида 249-умумтаълим мактабига информатика фани ўқитувчиси вазифасига ишга олинди.

– Армиягача Тошкент Давлат иқтисодий университети таомиланган эдим, — дейди И.Қамбарбеков. — Ҳарбий хизматда мутахассислигим бўйича эгаллаган билим ва тажрибам янада осиди. Соҳамга оид кўп нарсаларни ўргандим. Бу ўқитувчилик фаолиятимда қўл келмоқда.

Шайхонтоҳур туманида армиядан қайтган Исомбекка ўшаган йилнинг 26 нафари пойтахтимиздаги турли қорхона ва ташкилотларда иш бошлади. Қуролли Кучлар захирасига бўшатишган йигитларни ўқиш ва ишга жойлаштириш ишлари изчил давом этмоқда.

Холмурод САЛИМОВ

КАМОЛИДДИННИНГ КАМОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аждодларимизнинг қўли гул ҳунармандлар бўлганлигини тарихий обидаларимиз, улардан мерос қолган асарлар ёрқин исботлаб турибди. Эзгу мақсадим, ана шу аждодларга муносиб ворис бўлишимдир. Ҳали ёшман, имкониятларим жуда кўп. Улардан оқилона фойдаланиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ўз меҳнату маҳоратим билан ҳисса қўшиш асосий мақсадимдир.

Дарҳақиқат, Камолiddин ҳунарга болалигидан меҳр қўйди. Падалари бузруквори Абдулазиз ака эшик-ромлар ясаб, эл-юрт қорига яради. Отасига ёрдам бериб, қўлига асбоб тутишни, кейинчалик устози Эргаш Алиевдан ёғоч ўймакорлиги сир-асрорларини ўрганди. Тошкент Давлат педагогика университети бадий графика факультетидagi таҳсил унинг назарий билимларини бойитди, уларни амалиётда ижодий қўллашга интилди.

Уста ясаган ҳар бир буюм — қўғи, қурбей, эшик, лавҳа, лаган, қаламдон пишқ-пухталиги, ўзига хос нақшлари билан эътиборингизни тортади. Ўтган йилда у 35 хилдан зиёд буюм тайёрлашга эришди. Кейинги йиллар давомида 30 нафардан зиёд шогирд тайёрлаган Камолiddин нафақат юртимиздаги кўрик-танловлар, балки Англия, Италия, Франция, Германия, Греция сингари давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда ҳам қатнашиб, муваффақият қозонган, эътирофга сазовор бўлган. Буларнинг бари яна изланишга, янги-янги санъат даражасидаги асарлар яратишга ундаётгани фаолиятда ёрқин акс этиб турибди.

Баркамол авлод йилини мана шундай қувончли ютуқ билан бошлаган ёғоч ўймаkori қўллаб шогирдлар тайёрлашни кўзда тутмоқда. У мактаб ва коллежларда таҳсил олаётган ёшларга, кам таъминланган оила фарзандларига ёғоч ўймакорлиги бўйича ўқув курсларини ташкил этишни, иқтидорли ёшларни иш билан таъминлашни режалаштирган.

Камолiddиннинг ниятлари бисёр. У ҳозирда учрамайдиган уч қаватли навда услубини қайта тиклаш ва йўқолиб кетиш арафасида бўлган Аҳмад Ясавий макбараси олд эшикларини нусхаларини тиклашга бел боғлаган. Рағбат ўзига яраша умидлар уйғотади, муваффақиятларга чорлайди. Албатта, «Ташаббус»нинг бугунги рағбати Камолiddин Раҳимовга, унинг изланишларига қанот бўлиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген, хусусан, сел ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида ўтказилган матбуот анжуманида Президентимиз Исом Каримовнинг бу борадаги фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш, фавқулодда вазиятлар чоғида давлат тузилмаларининг ҳамкорликдаги ҳаракатини мувофиқлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Дарё ва қўлларнинг сув топиши хавфи бўлган қирғоқлари мустаҳкамлашиб, ирригация тизимлари тозаланди. Сел йўллари оқими қабул қилиш ва сув тошқинини талафотсиз ўтказиб юборишга тайёргарлик ҳолати текширилди.

Аҳоли ўртасида ўтказилган суҳбатларда содир бўлиши эҳтимол тутилган фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланиш қондалари, атрофдагиларга ёрдам бериш бўйича тушунчалар берилди. Зарур ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрланди.

Мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича қўрилаётган бундай комплекс чора-тадбирлар натижасида фавқулодда вазиятлар содир бўлиш ҳоллари камайиб бормоқда. Аҳолининг огоҳлиги, ҳушёрлиги ошмоқда.

Анжуманда сел ва сув тошқини, қор кўчиш хавфи бўлган ҳудудлардаги объектларнинг мониторингини олиб бориш, хавфни камайитириш, олинган прогнозлаш, геологик жараёнларни кузатиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

(ЎЗА)

Бугунги кунда ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний жиҳатдан етуқ, маънави баркамол этиб тарбиялаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз Президентининг томонидан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилинишидан ҳам биринчи навбатда ана шу мақсадлар назарда тутилган.



2010 йил — Баркамол авлод йили

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

Бу борада Давлат дастурининг қабул қилинганлиги ва унда кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш учун қатор чора-тадбирлар белгиланганлиги айни мuddа бўлди.

Шулардан келиб чиқиб, 1-болалар клиник шифохонаси жамоаси ҳам ўзининг аниқ вазифаларини белгилаб олди.

— Хусусан, тармок дастурига биноан бу йил шифохонамизда даволанаётган 14 ёшгача бўлган киз болалар, фертил ёшдаги аёлларни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш, соғломлаштириш тadbир-

лари кўзда тутилган, — дейди бош шифокор Мавлуда Табибова. — Шу билан бирга айни пайтда қорхона, ташкилотлар ҳамда маҳаллаларда репродуктив саломатликни сақлаш, соғлом оилаларни шакллантириш ва турли хасталикларнинг олдини олиш борасида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиб боришмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — касалликларни олдини олиш ва соғлом авлодни вояга етказишдир. Шу мақсадда шифохона моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, шифокорлар малакасини ошириш-

га алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни чоғда шифохонада 58 нафар олий тоифали мутахассис, 6 нафар тиббиёт фанлари номзоди ва беш нафар профессор фаолият кўрсатмоқда. 13 та бўлимга кўшимча равишда бешта ёрдамчи бўлим ташкил этилди. Бунинг натижасида этиб даволанувчилар учун кўпгаб қулайликлар яратилди.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТДА: 1-болалар клиник шифохонасида ёш оналарга доимо зарур йўл-йўриқлар кўрсатилади

Танловлар

ЭНГ ФАОЛ КИТОБХОН

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш ва давр талаблари асосида ташкил этиш, ўқувчиларнинг мустақил равишда мунтазам илмий-маърифий маълумотлар олиши учун барча шароитларни яратиш муҳим йўналишлар сифатида белгиланган.

Куни кеча ҳамкорликда уюштирилган «Энг фаол китобхон» кўриктанловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда ўқитувчилар, юртимизда фаолият кўрсатётган ахборот-ресурс марказлари ходимлари, иқтидорли ўқувчилар,

танловнинг Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

— Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад ўқувчиларнинг китобга бўлган меҳрини янада ошириш, илмий-маърифий маъ-

лумотлар билан ишлаш кўникмасини шакллантиришдан иборатдир, — дейди кутубхона директори Фотима Бухарова.

Семинарлар

МЕЪЁРИЙ

ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Мустақиллик йилларида жамиятни демократлаштириш, янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ҳамда модернизациялаш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Адлия бошқармаси ташаббуси билан Чилонзор туман ҳокимлигида ўтказилган «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши, уларнинг ҳуқуқий экспертизаси: амалиёт ва муаммолар» мавзусидаги семинарда айни шу масалалар эътиборга олинди.

Семинарда миллий ҳуқуқ тизимини яратиш, қонунлар ва қонунчилик ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш, уни юқори сифат босқичига кўтариш юзасидан кенг миқёсда ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Айниқса, «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида», «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига кириштириш тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг тако-

миллашувида муҳим аҳамият касб этади.

— Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқий қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳа ходимларидан катта таъминот талаб этади, дейди Адлия бошқармаси етакчи мутахассиси Аброр Бердиев. — Шу маънода ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил этиш, янгиланаётган, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қай даражада амалга оширилаётганлигини ўрганиб бориш адлия идоралари зиммасига қатор вазифаларни юклайди.

Тadbир давомида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши, уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда учраётган муаммолар ўртага ташлашиб, уларнинг ечими атрофича муҳокама қилинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

— Ёшларни тарихий, маданий кадриятларимиз, буюқ аждодларимиз бой маънавий меросини ўзлаштиришга қўмаклашиш, уларни ҳаёт тарзимиз, ахлоқ мезонларимизга ёт зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, маънавий-мафқуравий онгини мустаҳкамлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Танлов ўқувчиларни атрофга зийракроқ боқишга, гўзалликдан баҳра олишга, илмли бўлишга чорлайди.

Дастлаб жойлардаги ахборот-ресурс марказлари, сўнгра туман, ша-

ҳар ва вилоят босқичида ўтказилган кўриктанловда барча мактабларнинг юқори синф ўқувчилари фаол иштирок этди. Уларнинг иқтидорини баҳолашда ижтимоий-гуманитар фанлар, адабиётга оид билими, тафаккури, дунёқараш, нотижлиқ санъати ҳамда ижодий-интеллектуал салоҳиятига асосий эътибор қаратилди.

Танловда шахримиздаги 144-мактаб ўқувчиси Шохиста Турсунмуродова иккинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Гулчеҳра ДҲРДИЕВА



Асрлар мобайнида инсон вақт сир-синоатларини очишга интилиб келади. Келажакка нигоҳ ташлаш, уни қўл билан «ушлаб кўриш», ўз ҳаётини ўзгартиришни истайди у. Соддаликданми — у ҳозир ҳам сония миллиларини бошқара оламан деб ўйлайди. Дақиқа, соат, кун, йилларни олдинга ёки орқага суришни хаёл қиламиз. Аммо вақт ҳақиқатан ҳам уча олади.

Қани энди биз ҳам мўъжизакор машина штурвалига ўтирсак, ўзимизнинг келажақ маконидан сузиб кетаётганимизни кўзатсак. Ёки ўтмишимизга қайтиб, хатоларимизни тўзатиб, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборсак...

Фантастик, хаёлий саргузаштлар ишқибозлари инсонни исталган вақт маконига етказиб кўядиган мўъжизакор машиналар ҳақидаги ҳикояларни ҳамisha астойдил берилиб ўқиб келишди. Мазкур жанр мумтоз ёзувчилари Герберт Уэллс ва Жюль Вернлар ҳақиқатан ҳам вақт бўйлаб саёҳатларни шу қадар усталик билан тасвирлаб беришганки, баъзан бу машиналарнинг ўзлари кашф этиб, кейин ўзлари чиндан ҳам вақт маконидан ақл бовар қилмас саёҳатларни амалга оширганига ишониб қоламиз.

Бунинг устига ушбу мавзу кинематографиянинг ҳам сеvimли жанрига айланиб, машҳур фантастик асарлар асосида аjoyиб фильмлар яратилганининг гувоҳимиз. XX аср бошларида таъкил рус шоири Владимир Хлебников вақт маконидан хоҳ олдинга, хоҳ ўтмишга саёҳат қилиш масаласига мутлақо жиддий қараган ижодкорлардан бири бўлган.

1922 йили, ўлимидан сал олдин ёзилган «Тадбир тахталари» фалсафий-математик асаридан у вақтнинг рақамли қонунларини ўзлаштиришга аjoyиб тарзда уриниб кўрган. Имкон бўлган ҳамма жойда шоир Уэллс ихтиросини тарғиб қилар, ҳатто келажақдаги Москвага ўз саёҳатини тасвирлаб берган. Унинг хаёлидаги ўтган аср бошларидаги Москва осмонлар уйлари, қатор тизилган кенг кўчалар,

ВАҚТ БЎЙЛАБ САЁХАТ ЭНДИЛИКДА АФСОНА ЭМАС

Останкино телеминорасини эслатувчи терак-уйи билан бугунги реал Москвага жуда ўхшаши билан кишини ҳайратга солади.

Келажақ машинаси фақат хаёлимиздагина яшайдиган, ҳеч қачон амалга ошмайдиган орзуларимиздан биримикин? Фантастик вақт машиналарини яратишнинг мутлақо иложи йўқми ёки бормикин?

...Вақт маконидан кўчиб юриш эмас, жисмоний (физик) вақтнинг ҳаммиса бирдек эмаслиги муаммосига Альберт Эйнштейн 1943 йили дуч келган. Бу воқеа «Эндрей» эсимини атрофида қудратли электр магнит майдонидан пилла яратиш бўйича машҳур Филедеффия тажрибаси вақтида юз берган. Тадрибада резонанс частоталарда ишловчи улкан магнит генераторларидан фойдаланилган. Ушунда Эйнштейн, вақт

дан инсониятга офат келтирувчи қурол сифатида фойдаланилишидан қўчиб, барча кўлэмаларини ёқиб юборган.

Лекин Эйнштейн иши шу билан хотима топмади. Унинг ишини қамоқдагидаёқ вақт машинасини лойихалаштириш билан шуғулланган профессор Николай Козирёв давом эттирди. Ҳисоб-китобларни охирига етказиш учун унга баъзи астрономик ўлчамларни билмаслиги

халақит берди, аммо уларни турмада туриб аниқлашнинг иложи йўқ эди. Бу воқеани Солжеңиннинг ўзининг «Архипелаг ГУЛАГ» асариде батафсил ёритган.

Ёзувчи асарига ишонадиган бўлсак, жуда қийин вазиятга тушиб қолган Козирёв умрида илк бор кўмак сўраб, Худога мурожаат қилган. Бир қанча вақтга чўзилган узлуқсиз ибодатлардан кейин Николай Александрович оёқлари остига астрономик луғат «тўп этиб» тушган. Балки бу турма назоратчисининг ўзига ҳос ҳазили бўлгандир, лекин нима бўлганда ҳам у китобни дарров тортиб ҳам олган. Орадан кўп йиллар ўтгандан кейин Козирёв ҳар қалай Пулково обсерваториясида вақт устида яна илмий тажрибаларини бошлади. Сўнда баъзи моддаларни эри-

Дам олиш соатларида ГОЛОГРАФИК МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ЯНГИ ТОИФАСИ

Ҳозирги пайтда химия даражаси турлича бўлган пластик карточкалардан кенг фойдаланилади. Булар — кредит карталари, турли гувоҳнома, дисконт-карталар ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Кўпгина карталарда голографик шакллар бўлиб, уларни нисбатан осонгина қалбақлаштириш мумкин. SABIC Innovative Plastics ва GE Global Research компанияси тадқиқотчилари яқинда тўғридан-тўғри пластикнинг ўзига синдирилаётган термопластик голографик материалларнинг янги тоифасини ишлаб чиқарди. Ундан амалда қалбақлаштириш ёки нусха кўчиришнинг имкони бўлмайдиган карточкалар тайёрланади.

Янги технология мавжуд хавфсизлик технологияларига нисбатан анча кўп ва кучли химия даражасини таъминлайди. Зеро, карточкалар юзасига бевосита шу карточканинг пластик асосига муҳр ўрнига голограммалар «эришиб куйилади» ва у карточканинг ажралмас қисмига айланади.

Голограммалар термопластик асосланган мақсадга туширилиб, кейин оддий пластик сифатида ишлов берилади ва карточканинг ўзида эришиб қотирилади. Бир картанинг ўзида бир нечта голограммани жойлаштириш мумкинлиги унинг химия даражаси миқдорини оширади. Расмлар, бармоқ излари ва ҳатто анима-

циялар голограмма бўлиши мумкин. Одам юзининг уч ўлчовли тасвирини иборат голограмма карточкани қиялатганда айланади.

SABIC вице-президенти Том Стэннинг айтишича, янги технологиядан шахс гувоҳномалари ва кредит карталарини ҳисобга олганда, яна уяли телефонлар, ноутбуклар ва кўпчилик халқ истеъмоли молларининг қалбақи эмас ҳақиқийлигини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Муҳандислар мазкур иختиро устида олти йил ишлашган ва улар ўзларининг янги голографик материаллари яқин икки-уч йил ичида кенг қўлланилишига умид қилишмоқда.



Ким мен билан беллашади?

Спорт юлдузлари ҳаётидан

КАТТА СПОРТНИ НИМАГА АЛМАШТИРИШНИ БИЛМАЯПТИ

Машҳур теннисчи Марат Сафин 2009 йил охирида спорт дунёсидан кетди. Унинг айтишича, ҳозиргача у нималар юз берганини тўла англаб етмаган ва келажақ режаларини тўзиб ололмаган. Ҳозирча у нима билан шуғулланиши билмаслигини таъкидлаган.

— Теннисдаги фаолиятини тугатганимни ҳозирча тўла ҳазм қила олганим йўқ, 25 йил давомидан бир иш билан шуғулланиб, кейин қайта ўзингни ўнглаб олиш унчалик осон эмас экан. Одатда мен шу кезлари Испанияга йўл олган бўлардим, энди эса, ҳеч қаерга ошқинимнинг ҳолати йўқ. Ҳеч қаерга машқуларга ошқинмай, бамайхотир нонушта қилиш қандай яхши,— иқдор Бурди Марат «Hello!» нашрига берган интервьюсида.— Агар ҳеч нарса билан шуғулланмайдиган бўлсам, яшаш учун Москвадан илқроқ жойни танлаган бўлардим. Бироқ мен ўз шахрим, мам-

лакатим ватанпарвариман, кўглаб дўстларим, танишларим, ишларим бор. Мен олдинга қараб ҳаракат қилишим, ўсишим, вақтимни фойдали нарсаларга сарфлашим керак.

— Бир ўзим яшайман, майда-чўдаларимни харид қилишга қизиқмайман, ҳашамдор рестороанларга бормайман,— дея қўшимча қилди у. — Мен биронта ҳам чопадиган жойларни эслая олмайман ҳам. Москвада файзли, мени танишадиган ва кимматбахо бўлмаган рестороанлар бор, мен уларда жуда яйраб кетаман. Бахтим учун менга уч нарса — коммунал хизматлар ҳақини тўлаб қўйиш, машинамни ёқилиш билан таъминлаш ва оддий таомлар керак. Аниқ бир одамни кўзда тутмаган ҳолда жиддий муносабатлар учун пишиқ етилди-йўқми — буни айтиш қийин. Мен келинни эълонлар тахтастандан изламайман.

Ўн йиллик кашфиётлари

«CHANDRA» ФАЗОВИЙ ОБСЕРВАТОРИЯСИ

Колумбия шаттли бортида ўн йил муқаддам астроном олимларнинг 25 тонналик орзулари — Chandra рентген обсерваторияси фазога учирилган. Мазкур аппарат фазовий восита орқали ер атрофи орбитасига чиқарилган энг оғир фойдали юк бўлган.

Табиики, бутун илмий жамоатчилик ундан янги кашфиётларни кутарди. Бироқ, телескоп ерга маълумотларни бера бошлашидан олдин уни бунга тайёрлаш керак эди. Chandraning икки двигатели қурилмаси обсерватория зарур орбитага олиб чиқиши, кейин эса, бутун электроника тизими ва ҳаётий муҳим механизмлар текширишдан ўтказилиши керак эди. Ҳар томонлама ўтказилган тестлардан сўнггина ўз яратувчилари ва обсерваторияни қўзатиб турган барча астроном-олимларни ҳайратга солиб, телескоп Ерга илк тасвири нўнатди.

Фазодаги фаолияти икки ойдан ошганидан кейингина Chandra энг янги юлдуз портлаши тасвирини, Қисқичбақа туманиги тасвирларини Ерга узатди ва илк бор унинг ядросини ўраб турган юқори қувватли заррачалар люминисцент халқасини ҳамойиш этди.

Хабл ва Чандранинг ҳамкорлигидаги фаолияти Қисқичбақасимон туманлик марказида ўзгариб турувчи нейтронли юлдузнинг айланиши туманликни портлашдан кейинги ҳатто минг йил давомидан ёрқин нур сочиб туришига етадиган қувват билан таъминлашни аниқлашга олиб келди. Chandra шунингдек, квазарлар ҳақида, қўшалоқ юлдузлар, материяни қарига ютиб юборувчи қора тўйнуқлар тўғрисида кўпроқ маълумот олишда астрономларга ёрдам берди.

Кейинги тасвирда Chandra коинотимизнинг марказий қисми — Сомон йўлини намойиш этди. Тасвир марказининг яқинидаги ёрқин оқ нур жуда улкан массали қора тўйнуқдан дарак беради. Chandra кўглаб қора тўйнуқларни тоғди ва телескопнинг энг қизқарли топилмаларининг айримлари уларнинг яқинида аниқланган. Жумладан, Chandra қора тўйнуқларнинг рентген нурларини таратиши ҳақида олимларга янги маълумотлар тақдим этди. Chandra шунингдек, бир галактиканинг ўзида илк бор иккита энг улкан массали қора тўйнуқларни тоғди.

Рентгенга асосланган астрономия 1960 йилларда дунёга келган. Chandra мазкур фанни шиддатли суръатда олдинга силжитмоқда. Биринчи рентген йўлдоши Uhuru 1970 йили учирилган бўлиб, у атиги бир нечта ёрқин нурлини манбаларини аниқлаганди. Chandra Uhurdан юз минг марта кучли ва ҳозиргачаёқ 9500 дан ортиқ кузатувларни амалга оширди. Телескоп билан ишлаётган олимларнинг айтишларича, яқиндагина муқаммаллаштирилган бу телескоп кам деганда 2019 йилгача ўз вазифасини бажаришда давом этди.

Ажойиботлар оламида

ИЧКИ ЭШИТИШ ТИЗИМИ МУКАММАЛ РИВОЖЛАНГАН

Германиядаги Мюнхен университетини ҳамда Канзасдаги Толика университети илонлар нафақат қар эмаслигини, балки ҳар томонлама, яъни стереода эшитишларини исботловчи жиддий асосли далилларни топишди. Бунда уларга жағлари ёрдам берадиган. Шу вақтгача, илонларнинг қулоғи йўқ, шунинг учун ҳеч нарсани эшитмайди, деган фикр ҳукмрон бўлиб келган.

Аслида бу судрдали юрвчиларда ички эшитиш тизими муқаммал тараққий этган экан. Уларнинг пастки жағлари билан боғланган ички эшитиш

қисми товушларни ҳар томонлама илғаш имконини беради. Илон ерда ётганида унинг жағи ҳатто бир ангстрем амплитудали билан-биланмас тебранишларни ҳам аниқлай олади. Бу тебранишлар товуш тўлқинларига айланиб, илоннинг ички қулоғига етиб боради (ангстрем — сантиметрнинг миллиондан бир улушига тенг узунлик бўлиб, швед физик олими Йонас Ангстрем шарофига шундай аталган).

Олимлар шохдор захарли илон анатомиясининг геометрик тадқиқотларини ўтказишди, шунингдек, шу илонлар

учун оддий ўлжа бўладиган жониворлар ҳаракатидан юзга келадиган ер тебранишларини ҳам қузатишди. Математик ҳисоблар усулида тадқиқотчилар «жағ-ички қулоқ» риштаси ўлжанинг ердаги ҳаракати билан боғлиқ тебранишлар частотасига ўта сезгирлигини исботлашди. Бундан ташқари, ўтказилган таҳлиллар натижасида илонларнинг оғзини катта очиб, ўлжасини бутунча ютиши жағларнинг ўнг ва чап томонлари бир-бирига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолда тебранишларни бир хилда сезишини аниқ-

латиши маълум бўлди. Бинобарин, юқорида таъкидланганидек, илонлар стерео эшитиш қобилиятига эга экан.

Тадқиқотлар ички қулоқ ҳаракатга келганида эшитиш нейронлари илон атрофидаги жойлар топологик харитасини яратиши ҳақидаги маълумотларни ҳаёда этди. Бу эса, баъзи бир илонлар қабул қилиб оладиган товуш тебранишларидан фойдаланиб, ўлжаларини тутишларини билдиради ва бу ҳолат тажрибаларда исботланди. Демак, бу ҳолат ер тебранишларини пастки жағлар билан эшитиш қобилияти муҳим сезиш фаоллиги сифатида баҳолашни кераклигини аниқлади. Шу фаоллик тўғрисида илон товуши маълумотлар асосида атроф-теваракнинг визуал (кузатув) харитасини шакллантиради.

белгилаб чиқиш имконини беради. Бундан ташқари, муаммо тўғривчи ҳайвонларни отиб ўлдириб миқдори пасайиши ҳам тахмин қилинмоқда.

600 МИЛЛИОН ТОННА УГЛЕРОД ОКЕАН ТУБИДА

Атмосфера учун зарарли углеродларни «консервациялаш»нинг мақбул йўллари топиш устида ишлаётган тадқиқотчилар фикрига кўра, глобал иссиқ олдин олишининг яна бир таъсирчан усули — ўсимликлар чиқиндиларини океанининг энг чуқур тубига жойлаштириш мумкин. Ҳосил йиғиб олинганидан кейин далаalarda қолиб кетадиган барглари ва пояларнинг 30 фоизгача қисмини тупроқ эрозиясидан ёки унинг ҳосилдорлигини пасайтиришдан қўрмай, йиғиштириб олиш мумкин. Ирвиндаги Калифорния университети олимлари Стюарт Странд ва Грегори Бенфорд шундай хулосага келишган.

Юқоридаги чиқиндилар чириб, ўзидан карбонат ангидрид газини чиқаради. Лекин, олимларнинг фикрича, уларни йиғиштириб, брикетларга сиқиб-эчилаб, океанининг энг чуқур тубига жойлаштириш мумкин. Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бутун дунёдаги ўсимликларнинг чиқиндилари таркибида тахминан 600 миллион тонна углерод мавжуд. Мабодо, шу чиқиндиларнинг ҳаммаси океан тубига жойлаштирилса, атмосферага углероднинг чиқарилишини 14 фоизга қисқартириш мумкин экан.

Углеродни қўшимнинг бошқа баъзи бир схемаларига қараганда, уларни океан тубига жойлаштириш чиқиндиларни узоқ муддат хавфхатарсиз сақлашга энг ишончли усул ҳисобланади. Масалан, ўрмонлар карбонат ангидрид газини ўзига ютади, аммо дарaxтлар ёнганда ёки чириш жараёнида яна ўзидан зарарли газ чиқаради.

1500 метрдан ортиқ чуқурликдаги сувларнинг юзадаги сувлар билан қўшилиши жуда кам бўлиб, олимларнинг таъкидлашларича, у ерларда кислород тақчиллиги ва юқори босим углеродни океан тубида минг йил давомидан хавфсиз сақлаш имконини беради.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

— Азизам, сенга 8 Март байрамига нима совға қилай?

— Вой, нима десам экан, қандай жавоб беришни ҳам билмаяман...

— Унда мен сенга яна бир йил ўйлаб кўришинг учун вақт берақолай.

Ота ўғлининг кундалигини кўрайди:

— Хўш, нима учун тарихдан икки баҳо олдинг?— деб сўради.

— Уқитувчимиз мен туғилмасимдан олдинги воқеаларни сўрадилар-да...

— Илтимос, ярим килограмм сут беринг, — деди харидор дўкончига.

— Бизда сут килолаб сотилмайди.

— Унда ярим метр берақолинг.

Таксига ўтирган аёл буюрибди:

— Туғруқонага. Ҳайдовчи газни мингга босиб ҳайдабди.

— Ҳой, туққани кетаётганим йўқ, туғруқонада ишлайман.

Семиз бемор аёл шифокор ҳузурда.

Шифокор: — Озиш учун таблеткалар ичяпсизми?

— Ичяман.
— Қанча ичяпсиз?
— Тўйунимча.

Ҳар почта келганда, аскар севгилисидан хат оларди. Бошқаларининг унга ҳаваси келарди. Бир кун у хатни очди ва ундан бир варақ оппоқ қоғоз ерга тушди. Ҳамма хайрон. Шунда аскар хикоят бўлиб тушунтирди: — Армияга кетишимдан аввал у қиз билан уришиб қолган эдик. Шундан бери гаплашма-япмиз.

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.

Наврўз шукуҳи

ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Азал-азалдан Наврўз байрами мамлакатимизда умумхалқ шодиёнаси сифатида нишонланиб келмоқда. Шаҳару қишлоқларда, маҳалла гузарларида байрам дастурхонлари сумалак, ҳалим, кўк сомсалар каби баҳорий таомлар билан безатилади.

рифини уюштиришда, тажриба алмашувларини йўлга қўйишда жамиятларнинг фаолияти катта аҳамиятга эга. Байрам тадбирида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети халқаро бизнес факультети талабалари ва магистрлари томонидан тайёрланган концерт дастурлари намойиш этилди. Барчага катта завқ бағишлаган дастур ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилди. Бу эса айни чоғда университет талабалари билан бирга байрамга катта тайёрлик кўрганликларини ҳам яққол намоён этди.

Муқима АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши масъул котиби



Билимга чанқоқ ёшлар — келажакимиз пойдевори

Тадбирлар

АЁЛЛАР СПОРТИ ФЕСТИВАЛИ

Дунёнинг кўпгина давлатларида ўтказилаётган халқаро мусобақаларда голиб бўлиб қайтаётган спортчиларимизнинг аксарияти ёш қизларимиздан ташкил топгани, Баркамол авлод йилида Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ кўрилган 14 нафар совриндорларнинг тўрт нафари спортчи қизлар эканлигининг ўзи бу борадаги эзгу ишларнинг юксак самарасидан дарак беради.

Кунги кеча Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Миллий Олимпия кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали ҳамкорлигида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида «Соғлом аёл — соғлом жамият» спорт мусобақасининг ўтказилиши бу борадаги ишларнинг бардавонлигидан дарак беради.

Кейинги йилларда аёллар спортини ривожлантириш, шу орқали соғлом турмуш тарзини тарғибу этиш, оналик ва болаликни муҳофаза этишга кенг миқёсда эътибор қаратиб келинмоқда.

Унда вазирликлар, муассаса ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган спортсевар хотин-қизлар иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, ушбу йўналишда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Соғлом оила» спорт ўйинларининг ўтказилиб келинаётгани, Наврўз айёми муносабати билан миллий турлар бўйича мусобақаларда 3200 дан ортиқ аёллар қатнашгани, аънанавий тўртинчи «Тўмарис» спорт фестивалида Қорақалпоғи-

стон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан 364 нафар аёл спортчи қатнашгани бунинг яққол исботидир.

«Соғлом аёл — соғлом жамият» мусобақаларида иштирокчилар ўз имкониятларини еттига тур бўйича синаб кўрдилар. Саралаш натижаларига кўра, Мудоффа ҳамда Халқ таълими вазирликлари, шунингдек «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши вакиллари голиб ва совриндорлар қаторидан ўрин олиб, турли даражадаги дипломлар билан тақдирланди.

Ҳумоюн АЛИЕВ

Футбол

ЮКСАК ИШОНЧ

Мамлакатимизда болалар спортини, хусусан, миллионлар ўйини бўлмиш футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар хорижлик мутахассислар эътиборини жалб этаётгани қувонарли ҳол.

Маълумки, 2008 йилда футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати Тошкентда ўтказилган эди. Жорий йилнинг 24 октябрь — 7 ноябрь кунлари ўтказилган 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати яна Тошкент мезбонлиги қиладиган бўлди. Осиё футбол конфедерациясининг мусобақаларини ўтказиш кўмитаси йиғилишида ана шундай қарорга келинди. Бу сафар чемпионат мезбонлигини қўлга кириштириш учун Ўзбекистон, Австралия, Эрон, Иор-

дания, Таиланд, Яман, Жанубий Корея, Индонезия мамлакатлари ўз номзодларини кўрсатишган эди. Сўнгги босқичга эса Эрон ва Ўзбекистон етиб келди. Яқиний овоз бериш жараёнида яна Ўзбекистон номзоди бир овоздан маъқулланди. Осиё чемпионати «Жар» ва «Пахтакор» стадионларида бўлиб ўтади. Қитъа биринчилигида 16 та терма жамоа голиблик учун тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро кураш олиб боради.

(Ўз мухбиримиз)

«БУРАТИНО» НАМОЙИШИ 2-мурувват уйда тарбияланувчилар томонидан саҳналаштирилган «Буратино» театр томошаси намойиш этилди.

Унда, «Туркистон-пресс» хабарига кўра, «Legion Fortis» таълим муассасаси қошидаги харбий синф ўқувчилари, давлат ва жамоат идоралари вакиллари ҳамда Собир Раҳимов туманидаги мактаб ўқувчилари иштирок этди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбир аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, меҳрибонлик, мурувват, саховат уйлари, махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат.

тарбияланувчилари томонидан тайёрланган театр томошасини беғубор, юксак қалб соҳибларининг самарали ижодий маҳсули дейиш мумкин. Уларнинг ҳар бири чикиши ўзига хос, завқ-шавққа тўлалиги билан ажралиб турибди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошириб бериш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига таклиф қилинган «Асака» банк (ОАЖ) Бошқарувининг 24.12.2009 йилдаги 181-сонли қарорига асосан, банкка тегишли Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси, 67-уй манзилида сақланган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Магнус» русумли, д/р 10UZ543 бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 499 568 сўм. 2. «Супер Салон» русумли, д/р 10BC486 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 887 200 сўм. 3. «Дамас» русумли, д/р 10BI069 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 864 221 сўм. 4. «Дамас» русумли, д/р 10BI253 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 943 446 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 19 апрель кун соат 11.00 да бўлиб ўтади.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошириб бериш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига «Уздиқтранксизмат» ДУК томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги №343-сонли қарори, Ташқи Ишлар Вазирлиги «Узхориқсизмат» бошқармасининг 30.03.2010 йилдаги №110-02/ДТ-сонли хати ва «Уздиқтранксизмат» ДУКнинг 30.03.2010 йилдаги 17-сонли буйруғига асосан, Тошкент ш, Широк кўчаси, 110-уйда сақланган қорхонага тегишли қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Газ-3102» русумли, д/р 01/950ХАА бўлган, 2000 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 529 005 сўм. 2. «Газ-3102» русумли, д/р 01/948ХАА бўлган, 2000 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 611 900 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 6 май кун соат 11:00да бўлиб ўтади.

Эҳтиётсизлик оқибатида келиб чиқадиган ёнғинлар катта миқдорда моддий зарарга сабаб бўлиши мумкинлиги барчага яхши аён. «Тилсиз ёв» бир неча дақиқа ёки соат ичида жуда катта ҳажмдаги моддий бойликларни ёндириб, кулга айлантиради.


«01» ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ёнғин содир бўлган вақтда ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ва газлар атмосферага кўтарилиб, нафас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, ёнғиндан қўриладиган зарарнинг энг ёмони шунки, унда қўллаб кишилар жароҳатланган ва ҳатто ҳалок бўлиши ҳам мумкин.

Буларнинг олдини олиш эса ёнғинга қарши кураш тадбирларини самарали ташкил этиш, меҳнат муҳофазасига қатъий амал қилишга боғлиқ. Ҳозирги пайтда қорхона ва муассасаларда ёнғин келиб чиқиш хавфини камайтириш борасида бир қанча профилактика ишлари амалга оширилган, хусусан, бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари қўлланилмоқда. Бино ва иншоотлар қуришда ёнғинчи қурилиш материалларидан фойдаланиш камайтирилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгроқ жорий этилмоқда. Лекин ёнғин чиқишининг олдини олишда, уни ўчиришда асосий масъулият инсонлар зиммасига тушиши ва уларнинг ёнғинни ўчириш техникасини тўғри қўллашига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Саноат қорхоналарида бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низоми, ёнғин хавфсизлиги қондалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси ёнғинларнинг олдини олишда фаол иштирок этиши керак. Шунинг учун қорхона, муассаса ва ташкилотларда, жамоатчилик орасида ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари ҳақида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилади. Бу эса ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ўт чиқишидан оғохлантириш, ўт ўчириш техникаси ва қуролларини, алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан ҳолларда уни ўчиришда фаол қатнашиш, мулкни авайлаб-асрашнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Республикамиз шаҳар, қишлоқлар ва аҳоли пунктлари, иқтисодий ва ижтимоий тоифадаги объектларни муҳофаза қилиш, қорқондаги каби кўнгилсизликлардан асраш мақсадида 2009 йил 30 сентябрда «Ўзбекистон Республикасининг ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун мамлакатимиз ҳудудида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси бўлибгина қолмасдан, балки бу борада амалга оширилаётган тадбирларни тизимлаштиришга, тақомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиздир. Мухайё МИРАЗОВА, 12-ХЕО катта инспектори, кичик сержант



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ДУОНИНГ ҚАБУЛИ ҲАҚИДА

Қилса дунёга дуо ул нобакор, Бўлғай ул даргоҳи Ҳақда шармисор.

Сен ризоий Ҳақ учун қилсанг дуо, Бўлғай ул соатда ҳожотинг раво.

Тут бу панд кўнглунда доим, эй ўғул, Бўлди ул Намруд дуоси ҳам қабул.

Қилса дунё ваҳҳидин ҳар ким дуо, Ул дуо эрматур, ул макру риё.

Эй биродар, сўрмагил икки кема, Бир эшикдин икки нарса истама.

Ҳар дуо тақдирни тағйир айламас, Ҳар даво иллатни табдил айламас.

Мустажоб бўлмас дуо беизни Ҳақ, Берди бу пандини устодим сабақ.

Бўлмагил ҳаргиз дуодин шодмон, Оқибат бўлғайман ҳар ғамдин омон.

Қил дуо ё қилса, билғил, эй амак, Бўлмағай ҳеч нарса тақдирдин бўлак.

Гар дуо рад қилса эрди, эй жувон, Бўлғай эрди маргдин ҳар ким омон.

Ҳар дуо даргоҳида рад бўлмағай, Ул қазони ҳам дуо рад қилмағай.

(Давоми бор) Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва Мавжуда РАЗЗОҚОВА тайёрлаган

«ABDULLOZODA» масъулияти чекланган жамияти ўзининг устав жамғармасини 352 063 412 (уч юз эллик икки миллион олтинчи уч минг тўрт юз ўн икки) сўмдан 303 609 126 (уч юз ул миллион олти юз тўққиз минг бир юз йигирма олти) сўмга камайтиришини эълон қилади.

Даво аризалари 1 ой мuddат ичида қабул қилинади. СТИР 300674206

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoshқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3973 нусxada босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.